2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 107 (1168), 2024 йил 1 июнь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ВИЛОЯТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АҲОЛИНИНГ ҚАЛБИГА ЁРУҒЛИК, ИШОНЧ ВА УМИД ОЛИБ КИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 май куни иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларни кўздан кечириш, йирик объектлар қурилишига старт бериш, маҳаллалар ҳаёти билан танишиш учун Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф хайрли амалдан — Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси зиёратидан бошланди. Қуръон оятлари тиловат қилиниб, халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо ўқилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мажмуа янада обод қилиниб, тарихий аслият тикланмоқда. Зиёрат чоғида ушбу ишлар кўздан кечирилди.

Аввало, Тоқи миёна дарвозасидан борувчи тарихий йўлак тикланди. Энди зиёратчилар Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасига суннатга мувофиқ қибла тарафдан юриб боради.

— Юз йил вайрон бўлиб ётган бу дарвозани тиклаганимиз — ўзликни англаш, тарихга ҳурматимиз ифодаси, — деди Шавкат Мирзиёев. — Энди бу ердаги ҳар бир обидага, хонлар дахмаларига битиклар ёзиб қўйиш керак. Зиёратга келганлар қадамбақадам тарихни ўрганиб, маънавий руҳ олиб ўтсин.

Тоқи миёна дарвозасининг икки ёни боқа айлантирилган. Музей ва таҳоратхона барпо этилган. Йўқолиб бораётган Дониёлбий мадрасаси тикланмоқда.

Олимлар билан суҳбатда Баҳоуддин Нақшбанд меросини чуқур ўрганиш ҳақида фикр алмашилди. Чет давлатлардан манбаларни олиб келиш, илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш, музейни Имом Бухорий мажмуасидагидек мазмунан бойитиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, зиёратчилар, жумладан, хорижий туристлар учун қулайликларни кенгайтириш, қишга ҳам, ёзга ҳам мос шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддиларга шуларни қамраб олган ҳолда, олимларнинг таклифлари асосида қарор ишлаб чиқиш топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи арафасида “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида “Enpipe” корхонаси ишга туширилди.

Умумий қиймати 58 миллион доллар бўлган лойиҳа тўлиқ хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилди. Хитой, Туркия, Нидерландия ва Испаниядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилиб, йилига 300 минг тонна металл қувурлар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Тўғри чокли услубда тайёрланувчи бу қувурлар юқори босимга ва ташқи таъсирларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Илгари бундай маҳсулотлар, асосан, хориждан олиб келинар эди. Ташишда қувурлар ҳажми кўп жой эгаллагани учун нархи ҳам қимматга айланарди.

Энди турли қалинликдаги металлар лист шаклида олиб келиниб, шу ерда тайёрланмоқда. Бунинг самарасида таннарх 25 фоиз арзонлашди.

Газ-кимё ва тоғ-кон саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда бундай чидамли қувурларга талаб юқори. Хусусан, шу ерда қурилаётган МТО газ-кимё мажмуасида ҳам шундан фойдаланилади.

Корхонада 400 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбарига корхонанинг режалари, навбатдаги босқичлар ҳақида маълумот берилди.

Ушбу лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга ошириш учун ишлар бошлаб юборилган. Унда босимга бардошли турли ҳажмдаги резервуарлар ишлаб чиқарилади. Яна 500 та янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳа тўлиқ қувват билан ишласа, 121 миллион долларлик маҳсулотлар тайёрлаш имкони туғилади. Корхонанинг экспорт салоҳияти янада ортади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашди.

— Бугун Бухорога келишимиздан мақсад 2 миллиондан зиёд аҳолининг турмушини яхшилаш, даромад манбаи яратиш, камбағалликни қисқартириш. Вилоятнинг кўп жойида экин экиш учун ернинг шўрини ювиш керак. Шунинг учун биз кўпроқ саноатга эътибор беряпмиз. Мана шу заводни ҳам нима учун қурдик? Бундай қувурларни олиб келиш учун кўп пулимиз йўлга кетарди. Бугун яна янги иншоотлар қурилишини бошлаймиз. Уларнинг атрофида бир нечта корхоналар, иш ўринлари пайдо бўлади. Пировард натижада одамларнинг уйига ёруғлик, ишонч ва умид киради. Ана шу умид бизларни бирлаштиради, — деди Президент.

Вилоят саноатида “Қоракўл” эркин иқтисодий зонаси яна бир замин бўлади. Ушбу ҳудуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 августдаги тегишли қарорига асосан ташкил этилган. Унинг умумий майдони 566 гектар бўлиб, 5 та йирик лойиҳа жойлаштирилган. Улар босқичма-босқич амалга оширилиб, якунда уч мингга яқин иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятининг саноат кўргазмаси ва янги инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда режалаштирилган лойиҳалар ҳамоҳанг тақдимот қилинди.

Кўргазмада иситиш тизимлари учун катта ва кичик қозонлар, оғир ва енгил саноат учун деталлар, турли ўлчам ва қувватдаги совиткичлар, электротехника ускуналари, мотоцикллар кўздан кечирилди. Шунингдек, давлат харидларини тартибга солиш механизми намойиш этилди.

Охирги етти йилда вилоятга қарийб 4 миллиард долларлик инвестициялар жалб этилган. Уларнинг натижасида 90 мингта иш ўрни ва 1 миллиард 800 миллион долларлик экспорт имконияти яратилган. Жорий йил вилоятда 1 миллиард 300 миллион долларлик 607 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бухоро вилоятида хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 14 миллиард долларлик 80 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан 4 миллиард долларлик 14 та лойиҳани инвесторлар ва тармоқ раҳбарлари биргаликда тақдимот қилди.

Лойиҳаларга Хитой, Россия, Туркия, Германия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Малайзия, Жанубий Корея каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Лойиҳалар қурилиш материаллари, электр техникаси, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика, тиббиёт, кончилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларни қамраб олган.

Масалан, Хитой билан ҳамкорликда Ғиждувон туманида 600 МВтга тенг шамол электр станциясини қуриш, малайзиялик инвестор томонидан Пешку туманида графит конини ўзлаштириш ва электроскутерлар учун аккумуляторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, эронлик инвесторлар томонидан Бухоро туманида кимё кластерини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Мазкур 80 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 22 минг 200 дан зиёд аҳоли иш билан таъминланади.

Президентимиз қўшилган қийматли маҳсулотларни ва маҳаллийлаштиришни кўпайтириш, хизматларни ривожлантириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Қоракўл туманида жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди.

Бухоролик нуронийлар ижтимоий давлат тамойили асосида жойларда инсон манфаатлари таъминланаётганини айтди. Замонавий мактаб ва институтлар ташкил этилиб, болалар таълим-тарбиясига имкониятлар кенгаймоқда. Аҳолининг саломатлиги доимий назоратда.

Иқтисодий-ижтимоий дастурлар натижасида туманларга саноат кириб боряпти, маҳаллалар обод бўлмоқда. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишга кенг йўл очилган.

Сайхунобод тажрибаси асосида иқтисодий комплекс ташкилотлари камбағал оилалар билан манзилли ишлаб, уларнинг даромад топишига кўмаклашмоқда. Томорқалардан самарали фойдаланиляпти.

Давоми 2-бетда

Жадидлар мероси

“ОТА ЮРТИМГА МЕНИНГ КЎЗЛАРИМ БИЛАН БОҚ, ЎҒЛИМ!”

ГЕРМАНИЯДАН ЙЎЛЛАНГАН ТАБРИК ХАТИ

2

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Ўзбекистоннинг болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш сиёсатига бир назар

Болалик инсон ҳаётининг беғубор даври, энг ажойиб ва гўзал палласи, шахс камолотидаги муҳим босқич. Айнан мана шу даврда бўлғуси шахс жамият билан тўлақонли муносабат ўрнатишга тайёргарлик кўради. Бир сўз билан айтганда, болаларни ҳар томонлама соғлом, билимли авлод сифатида камолга етказиш буюк мақсадлар, тарихий тараққиётга эришишни кўзлаган ҳар қандай жамиятда давлат сиёсатининг энг устувор вазифасига айланади.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда қилинган ишлар эътиборга молик. Биргина мактабгача таълим йўналишини олсак, охирги етти йилда боғчаларга қамров 27 фоиздан 74 фоизга етказилди. Янги мактаблар қурилиши ҳисобига қўшимча 700 мингта ўқувчи ўрни яратилди. Президент мактаблари очилди, ихтисослаштирилган мактаблар кўпаймоқда. Шу тариқа Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк мақсад йўлида мустаҳкам асос яратилмоқда.

Давоми 3-бетда

Жадидлар XIX аср охири — XX аср бошларида жаҳондаги барча сиёсий, ижтимоий, маданий янгиликлар ва тараққиёт босқичларини пухта ўрганиб, Туркистон ўлкасидаги халқни уйғотишга ва бу ерда замонавий демократик давлат қуришга киришди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 1 июнь, 107-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ВИЛОЯТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АҲОЛИНИНГ ҚАЛБИГА ЁРУҒЛИК, ИШОНЧ ВА УМИД ОЛИБ КИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Булар юртимиздаги тўкинлик ва фаровонлик, ижтимоий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаётгани таъкидланди. Нуронийлар Бухорода ишга туширилаётган ва қурилаётган корхоналарнинг аҳоли бандлигидаги аҳамиятини қайд этиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи улкан лойиҳаларга асос бўлиши яхши анъанага айланган. Бу гал ҳам шундай бўлди — Бухоро вилоятида йирик энергетика ва транспорт мажмуаларининг қурилиши бошланди.

Мамлакатимизда сўнгги 5 йилда қайта ишлаш саноати ҳажми 1,4 баробарга кўпайиб, биргина ўтган йилда 553 триллион сўмни ташкил этди. Бухорода эса бу кўрсаткич 1,6 баробарга ошиб, 30 триллион сўмга етди.

Вилоятда 7 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ҳисобидан 41 та ва яна шунча қийматдаги 39 та маҳаллий лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда.

Энди яна учта йирик иншоот — газ-кимё мажмуаси, қуёш электр станцияси, Бухоро халқаро аэропорти қурилиши режалаштирилган.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президент Шавкат Мирзиёев мазкур лойиҳаларнинг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Улардан бири “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида қуриладиган газ-кимё мажмуасидир. У “methanol to olefins” (MTO) технологияси асосида ишлайдиган юртимиздаги биринчи завод бўлади.

Лойиҳа доирасида қарийб 5 миллиард доллар инвестиция жалб этилиб, АҚШ, Германия, Дания, Австрия, Италия ва Хитойнинг энг илғор технологиялари келтириб ўрнатилади. Ягона мажмуа доирасида йилига 1,3 миллиард куб метр табиий газ ва 430 минг тонна нафта қайта ишланиб, юртимиз ва жаҳон бозорида талаб юқори бўлган 1,1 миллион тонна полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ҳисоб-китобларга кўра, бундай маҳсулотлар газ нархига нисбатан 5 баробар кўп қўшилган қиймат беради.

Янги заводда 2 минг киши иш билан таъминланади. Шунингдек, у қурилиш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, автомобилсозлик, электротехника ва бошқа турдош соҳаларда ўнлаб корхоналар, яна 4 мингта иш ўрни очилишига туртки бўлади.

Ушбу лойиҳалар ишга туширилиши натижасида Бухорода нафақат туризм, балки саноат ҳам ҳақиқий “драйвер”га айланади.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши электр энергияга бўлган талабни йилига ўртача 6 фоизга оширмоқда. Шу боис, жойларда янги генерация қувватлари барпо этиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда 2 миллиард доллар хорижий инвестиция ҳисобига қуввати 2 гигаваттли 10 та қуёш ва шамол электр станцияси тармоққа уланди. Бугунги кунда хорижий шериклар билан жами 19 миллиард долларлик 18,3 гигаваттли 32 та “яшил” генерация қувватлари қурилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида 14 та қуёш ва шамол станциясининг дастлабки 2,6 гигаватти тармоққа уланади. Натижада юртимизда ишлаб чиқариладиган жами қувватда муқобил энергия улуши 9 фоиздан 15 фоизга ошади. Умуман, 2030 йилгача бу кўрсаткични 40 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Бунда, албатта, серқуёш Бухоро алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунда вилоятда қарийб 4,5 миллиард доллар хорижий инвестиция ҳисобига қуввати 4 гигаваттли 9 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Энди уларнинг сафига Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси томонидан қуриладиган 250 мегаваттли қуёш электр станцияси ҳам қўшилади. Бу лойиҳа учун Олот туманидан 648 гектар ер ажратилган. Станция 2025 йил декабрда ягона электр тармоғига уланиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Бухоро вилоятида Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, Хитойнинг “Gezhouba” компаниялари томонидан ҳам муқобил энергия мажмуалари барпо этилмоқда. 2030 йилга бориб вилоятдаги қувватлар 9 карра ортиб, йилига 12,5 миллиард киловатт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилади.

Стартдаги яна бир лойиҳа — янги халқаро аэропорт.

Давлатимизнинг очиқлик сиёсати натижасида дунё билан алоқалар жадаллашди. Ўзбекистонда 90 дан ортиқ мамлакат фуқаролари учун визасиз режим жорий этилди.

Буларнинг натижасида юртимизга келувчилар кўпайди. Охирги 2 йилда хизматлар экспортининг 40 фоизи туризм соҳасига тўғри келган. 283 та меҳмонхона, 486 та хостел, 1,2 мингта оилавий меҳмон уйи барпо этилган. Туризм оқими 35 фоизга ошган.

Хусусан, биргина 2023 йилда Бухорога 1 миллион 400 мингга яқин хорижий туристлар ташриф буюрган.

Бу каби омиллар вилоят халқаро аэропортида парвозлар сонини кўпайтиришни талаб этмоқда. Шу боис, хусусий шериклик шартлари асосида Бухоро туманида янги халқаро аэропорт қуриш кўзда тутилган.

226 миллион долларлик ушбу лойиҳа доирасида жаҳон стандартларига мос аэропорт инфратузилмаси ташкил этилади. Соатига 1 минг 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Йўловчи ва ҳаво кемаларига сервис сифатини ошириш орқали янги халқаро авиакомпаниялар жалб қилинади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, мазкур мажмуалар қурилишини бошлаб берди.

Шу ерда Бухоро вилоятида қурилиши режалаштирилган мажмуалар, жумладан, янги аэропорт лойиҳаси тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари Қоракўл туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди.

Ҳудудда илгари бунчалик кенг кўламли қурилиш бўлмаган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 13 августдаги қарорига мувофиқ “Қоракўл” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилганидан кейин саноат жадал суръатга кирди. Ундаги заводларда келгусида минглаб одамлар иш билан таъминланади. Қолаверса, юртимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам мутахассислар келиб ишлайди. Уларга қулайлик, оилаларига муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида мазкур иқтисодий зона яқинида янги массив бунёд этилмоқда.

Лойиҳа икки босқичли бўлиб, 1 минг 380 хонадонли 71 та кўп қаватли уй, таълим ва тиббиёт муассасалари, маҳалла маркази ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши кўзда тутилган.

Ҳозирда биринчи босқичда 12 та кўп қаватли уй, мактаб, болалар боғчаси, поликлиника фойдаланишга топширилган.

Президентимиз шу ерда маҳалла вакиллари билан суҳбатлашди.

— Маҳаллада “еттилик” ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлса, ишсизлик, жиноят бўлмайди. Бунинг учун уларда етарли ваколат бор. Мутасадди ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг даромад топишига ёрдам бериш керак. Мактабда таълим сифатидан хабардор бўлиш, битирувчиларни олий таълимга, даромадли ҳунарларга йўналтириш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Атрофни, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Келгусида ҳудудда истироҳат боғи ва сузиш ҳавзалари ташкил этилади. Бўш майдонларга дарахтлар экилиб, хиёбонга айлантирилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Қоракўл туманида янги лойиҳа асосида таъмирланган автомобиль йўлини кўздан кечирди.

Бухоро вилоятида 15 минг 400 километр автомобиль йўллари мавжуд. Шундан 486 километри халқаро аҳамиятга эга. Уларда кунига ўртача 45-50 мингта транспорт воситалари ҳаракатланади. Шу йил 29 январда ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу соҳага алоҳида тўхталиб, йўлларни сифатли қуриш, кўчалар бўйида хизматларни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Бу борада барча ҳудудларда ишлар бошлаб юборилган.

Жумладан, Самарқанд — Бухоро — Туркманбоши автомобиль йўлининг Қоракўл туманидан ўтган бир қисми намунавий шаклга келтирилди. Лойиҳага кўра, 4 тасмали йўл янгича қатламли асфальт-бетон билан қопланган. Бунда мустаҳкамлиги юқори инновацион материаллардан фойдаланилгани эвазига йўлнинг сифати ошган. Масалан, ҳозирги анъанавий асфальт йўллар ўн беш йил атрофида қайта қурилса, янги лойиҳа бўйича йигирма йилгача хизмат қилади. Уларни жорий таъмирлаш оралиғи ҳам узаяди. Яна бир самарали томони, таъмирлаш жараёнида йўл қатламларини ўша жойнинг ўзида қайта ишлаб, янгилаш мумкин бўлади.

Давлатимиз раҳбари аҳоли манфаатига қаратилган бундай ишларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

— Асосий вазифа — йўлларда сифат ва маданиятни таъминлаш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги лойиҳада бу масала ҳам инобатга олинган. Йўл сифатини сақлаш мақсадида меъёрдан ортиқ юк ташувчи транспорт воситаларининг вазн параметрларини вақти-вақти билан ўлчовчи кўчма тарози қўйилади.

Шунингдек, бу ерда ёндош шохобча йўл ҳам қурилган. Янги белгилар, электрон табло ва қуёш панелли ёритиш чироқлари ўрнатилган. Йўл бўйига манзарали дарахт кўчатлари экилган.

Президентимиз бу жиҳатга алоҳида тўхталиб, дарахт экиш йўл қурилиши билан бирга олиб борилиши шарт эканини таъкидлади.

Шу ерда транспорт ва бунёдкорлик лойиҳалари тақдимот қилинди.

Бухоро вилоятида бу борадаги режалар кўп. Илгари бир йилда ўртача 250-300 километр йўл ишлари бажарилган бўлса, биргина 2023 йилда 1 минг 255 километр йўллар таъмирланган. Бу йил ҳудуд бўйича 1 минг 316 километр йўлни реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Шуларнинг давоми сифатида Ғиждувон туманидан Туркманистон чегарасигача 155 километр йўлни реконструкция қилиш лойиҳаси маъқулланди.

Йўлсозлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, мутахассисларнинг ривожланган давлатларда малака оширишини ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Бухоро шаҳрини ривожлантириш концепцияси ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, шаҳарда “Янги Ўзбекистон” массиви ва боғи бунёд этилиши режалаштирилган. Боғда Бухоро тарихи замонавий ёндашувлар асосида намоён этилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳанинг ғоявий мазмуни ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
Зариф КОМИЛОВ,
ЎзА мухбирлари

Жадидлар мероси

“ОТА ЮРТИМГА МЕНИНГ КЎЗЛАРИМ БИЛАН БОҚ, ЎҒЛИМ!”

ГЕРМАНИЯДАН ЙЎЛЛАНГАН ТАБРИК ХАТИ

Темур ХЎЖАЎҒЛИ,
Мичиган давлат университети фахрий профессори, жадидшунос олим

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийларининг шу йил 30 май куни эълон қилинган “Жадидлар мероси давлат музейини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори нафақат ўзбек халқи, балки тарихий Туркистон ҳудудидаги барча давлат ва халқлар учун ҳам улкан тарихий воқеадир.

Мазкур хушхабарни мен Германияда туриб эшитдим. Қанийди, ана шундай лаҳзаларда яқинларим олдида бўлсам-у, шодлигимни уларга бор овозим, ҳисларим билан изҳор қилсам, худди отамни қучоқлагандек фарзандларимни бағримга боссам, деб ўйладим. Ич-ичимдан севиниб йиғладим. Отамнинг вафоти олдидан менга айтган сўзлари қулоқларим остида юрагимни ўртаб-ўртаб жаранглади: “Сен, албатта, озодлигимизни кўрасан. Ўшанда Туркистонга борсанг, она юртимга менинг кўзларим билан боқ, ўғлим!”

Жадидлар XIX аср охири — XX аср бошларида жаҳондаги барча сиёсий, ижтимоий, маданий янгиликлар ва тараққиёт босқичларини пухта ўрганиб, Туркистон ўлкасидаги халқни уйғотишга ва бу ерда замонавий демократик давлат қуришга киришди. Афсуски, барча жадидлар совет тузуми даврида, 1930-1940 йиллар орасида маҳв этилиб, уларнинг буюк ғояси тўхтатиб қўйилди. Улуғ маърифатпарвар боболаримиз қатағон этилганидан 90 йил ўтиб, улар хотираси учун жаҳондаги илк “Жадидлар мероси давлат музейи” Бухорода очилмоқда. Шу кунларга етказганига минг шукр! Минг раҳмат сизга, жаноб Президент!

Ҳозир жадидчилик ғояларини мамлакатнинг миллий ғояларига айлантириш ҳаракати ҳар қанча олқишга сазовор. Мустақил давлатлар ичида, энг аввало, Ўзбекистонда жадидлар илгари сурган ғояларнинг катта тўлқини юзага келгани бежиз эмас. Ота юртимда жадидчиликнинг давлат миллий ғоясига айлантирилаётганидан ҳамиша ғурурланаман.

Фарзандларимга Бухоро шаҳридаги тарихий маскан — Ҳўжа Гулрез кўчаси 13-уй манзилида жойлашган Ҳовли поён мажмуасидаги уйда бухоролик жадидлардан Усмон Ҳўжаўғли билан укаси Отаулла Ҳўжаев яшагани ҳақида минг бора айтиб бергандирман. “Бобонгиз Усмон Ҳўжаўғли 1922 йилда чет элга чиқиб, мустақиллик учун курашни давом эттирган”, дейман-у, кўксимни тўлдирган фахрдан тўлқинланиб кетаверамаи. Укаси Отаулла Ҳўжаев эса 1937 йили, қариндоши Файзулла Ҳўжаев эса 1938 йили Москвада отиб ўлдирилган.

Бухородаги бу жадидчилик музейи Туркистон ва Евроосиёдаги барча жадидларнинг тўнғич музейи бўлиб хизмат қилишига ишонаман. Бугун Истанбулда ўзбеклар такясидаги қабристонда мангу қўним топган дадам Усмон Ҳўжаўғли билан бирга Исмоил Гаспиралибей ва бошқа жадидларнинг руҳи шод бўлмоқда, деб ўйлайман. Жадидларнинг якунига етказилмаган маърифатпарварлик ғоялари ва йўли бугун Ўзбекистон ва қадим Туркистон заминидаги барча давлатларда қўллаб-қувватланаётгани қувонарлидир.

Истанбулда турли тилда нашр этилган 18 минг китоб ва қўлёзмадан иборат катта кутубхонам бор. Ўша кутубхонани музейга совға қилишга ваъда берган эдим. Бу китоб ва қўлёзмаларни жадидчилик борасида изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчиларга, фидойи олимларга бажонидил тақдим этаман. Жадидларнинг эзгу ғояларига, отам Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг порлоқ хотирасига кўрсатилаётган бундай эътибор ва иззат-икромдан бошим кўкка етди.

Айни дамда кўнглимдан ўтаётган миннатдорлик туйғуларини тўлиғича ифодалаб беролмаяпман. Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган улуғ йўлдаги эзгу ишларга заррача ҳиссам қўшилса, ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон деб биламан. Шу эзгу ишлар бошида турганларнинг умри зиёда бўлсин. Жасоратига, шижоатига асло кўз тегмасин! Ўзбекистон равнақ топаверсин!

> **Истанбулда турли тилда нашр этилган 18 минг китоб ва қўлёзмадан иборат катта кутубхонам бор. Ўша кутубхонани музейга совға қилишга ваъда берган эдим. Бу китоб ва қўлёзмаларни жадидчилик борасида изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчиларга, фидойи олимларга бажонидил тақдим этаман. Жадидларнинг эзгу ғояларига, отам Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг порлоқ хотирасига кўрсатилаётган бундай эътибор ва иззат-икромдан бошим кўкка етди.**

2024 йил 31 май

Шарҳ

ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСЛАР ФОЙДА БЕРЯПТИМИ?

Миллат, жамият ва давлат тараққиётига ҳисса қўшиш уёқда турсин, ҳатто шахснинг индивидуал ўсиши, ривожланиши, катта мақсадларга эришиши учун ҳам шунчаки мавжудликнинг, тирикликнинг ўзи камлик қилади. Зотан, камолот истаган инсон тинимсиз ҳаракати, изланиши, машаққатли меҳнати орқали мақсадига эришади. Буни бир сўз билан уйғоқлик деб ҳам ифодалаш мумкин.

Мана шундай том маънода уйғоқ шахсларнинг бирлашуви мамлакатнинг равнақига катта ижобий таъсир кўрсатади. Умуммиллий уйғонишга, тараққиётга ундайди. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида мамлакатга, халққа дахлдор мақсадлар рўёбига хизмат қилади.

Президентимизнинг жорий йил 29 майдаги “Таркибий ислоҳотларни амалга оширишда экспертлик кўмаги самарадорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори юртдошларимизнинг муштарак мақсадларга эришишида муҳим аҳамиятга эга. У, аввало, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун хорижлик экспертлар кўмагининг мувофиқлиги ҳамда таъсирчанлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан давлат органлари ва ташкилотларига таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун малакали хорижий консультант ва экспертлар, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва молия ташкилотлари ҳамда консалтинг компанияларни жалб этиш ҳуқуқи берилди. Бу жараёнда улар хорижлик малакали мутахассисларни ўз ёки бюджет маблағи ҳисобидан ёллаши мумкинлиги қайд этилди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг хорижлик консультант ҳамда экспертларни жалб этиш жараёнини мувофиқлаштирувчи орган этиб Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги белгиланди.

— Мазкур қарорни ишлаб чиқиш жараёнида қатор масалалар чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинди, — дейди Стратегик ислоҳотлар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Абдулла Абдуқодиров. — Ҳозир вазирлик ва идоралар транспорт, озиқ-овқат, давлат корхоналари трансформацияси, макроиқтисодиёт, таълим, маданият, спорт, инновация каби турли соҳада 50 дан ортиқ хорижий консультант жалб этган. Улар фаолиятини рағбатлантириш учун қарийб 50 миллиард сўм ажратиляпти. Экспертларнинг аксариятига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан маош тўлаб келинмоқда. Шу билан бирга, чет эллик консультант ва экспертларни жалб қилиш борасида қатор тизимли камчиликлар мавжуд эди. Хусусан, уларнинг аниқ самарадорлик мезонлари (KPI) белгиланмагани соҳадаги ишлар натижадорлигини билишда қатор муаммоларни юзага келтираётганди. Шу боис, вазирлик ва идораларнинг хорижлик маслаҳатчи ва экспертлар билан келишувлари мазмуни ўрганилди. Аксарият келишувлар таҳлили фаолиятни баҳолашнинг аниқ мезони, вазифаларни бажариш муддати ва фаолияти очиқлигини таъминловчи механизмлари мавжуд эмас. Вазирлик ва идораларда хорижлик консультант ва экспертлар тақдим этган ҳисобот ва тавсиялар таҳлили бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаган.

Шу ўринда кичик мулоҳаза. Биз нима учун хорижлик мутахассисларни муайян ҳақ эвазига ёлладик? Чунки маррани баланд олганмиз ва унга етиш учун чет элнинг бой тажрибаси керак. Лекин самарадорлик-чи? Модомики, бу мақсад учун 50 миллиард сўм сарфлаётган эканмиз, экспертлар фаолиятини аниқ белгилаб бериш, ҳисобот ва тавсияларини таҳлил қилиш, керакли жиҳатларидан фойдаланишимиз зарур эмасми?

Қарор шу каби саволларга ечим топиб бергани билан ҳам аҳамиятлидир. Таҳлилларга кўра, деярли ҳеч бир вазирлик ёки идора ўзининг веб-сайтида жалб қилинган хорижлик консультант ва экспертлар ҳамда улар тақдим этган хулоса ва ҳисоботлар тўғрисида маълумот жойлаштирмаган. Шу билан бирга, жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун имконият яратилмаган. Вазирлик ва идоралар консультантларнинг фаолиятини етарли даражада мувофиқлаштирмаган.

Энди қарорга биноан, хорижлик консультант ва экспертларни жалб қилиш давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда Стратегик ислоҳотлар агентлиги ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома ҳар йили Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан келишилган ҳолда бир йил муддатга узайтирилади. Бунда йил давомида бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда эришиладиган индивидуал самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) акс эттирилади.

Буюртмачи ташкилот ҳар ой чет эллик мутахассислар иши ва кўрсатган хизмати тўғрисида далолатнома тузади. Якуний далолатнома Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан келишилган ҳолда имзоланади.

Шу билан бирга, экспертларнинг иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқа муҳим аҳамиятга эга йўналишларни ислоҳ қилиш бўйича билим, малака ва зарур кўникмалари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатларнинг илғор корхона ва ташкилотларда ишлаш тажрибасига эга бўлиши зарурлиги белгиланди.

Хорижлик консультант ва экспертларнинг қилган иши ҳамда кўрсатган хизмати ҳар ойда буюртмачи ташкилот томонидан оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтида ёритиб борилади. Улар иштирокида жорий масалаларни муҳокама ва ҳал қилишнинг мақбул йўлларини аниқлаш учун мунтазам учрашувлар ташкил этилади ҳамда тегишли таклифлар тайёрланади. Хорижлик экспертларни давлат фуқаролик хизмати лавозимларига тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Шунингдек, қарор билан таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун хорижлик консультант ва экспертларни жалб қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Низомда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун чет эллик консультант ва экспертларни жалб этиш тегишли ташкилотларнинг қоида ва талабларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланди.

Энди хорижлик консультантларнинг ягона электрон реестри юритилиб, вазирлик ва идоралар ҳамда Стратегик ислоҳотлар агентлигининг веб-сайтида жойлаштирилади. Бу реестрда консультантлар қилган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилади.

Мазкур қарор соҳадаги камчилик ва муаммоларга барҳам бериш билан бирга, хорижий консультант ва экспертлар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Ўзбекистоннинг болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш сиёсатига бир назар

Ўткир ОЧИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази масъул ходими

Бошланиши 1-бетда

Бугун дунёда болалар билан боғлиқ вазиятни ҳамма мамлакатларда ҳам унча яхши деб бўлмайди. БМТ маълумотига кўра, қарийб 150 миллиондан ортиқ бола, яъни беш ёшдан ошган ҳар ўн боладан бири меҳнатга жалб қилинмоқда. 100 миллион бола таълим олиш имкониятидан маҳрум. Миллионлаб ўғил-қиз уй-жойига ва тўғри овқатланиш имкониятига эга эмас. 300 мингдан ортиқ бола қурол билан урушларда қатнашишга мажбур. Энг камбағал 15 давлатда 260 минг норасида тўйиб овқатланмаслик ва иммунитет заифлашуви оқибатидан азият чекмоқда. Шунинг учун болалар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга чақирик сифатида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ғояси ниҳоятда долзарб.

Ўзбекистон 1992 йил 9 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Ўтган йилларда мамлакатимиз конвенцияга мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларига содиқлигини намоён қилиб келмоқда. Бугунга қадар ушбу конвенция бажарилиши юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига 5 та даврий ҳисобот тақдим этган.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар жадаллашганини алоҳида эътироф этиш керак. Бу жараёнда “Инсон қадри ва инсон ҳуқуқлари устуворлиги” ҳамда “Ҳеч кимни орқада қолдирмаслик” принципларига мувофиқ ўтказилган конституциявий ислоҳотлар доирасида Конституцияга бола ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган илғор янги нормалар киритилгани, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида боб бағишлангани муҳим аҳамият касб этади.

Янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда бола манфаатларини таъминлашнинг устуворлиги принципи конституциявий асосда мустаҳкамланди. Жумладан:

биринчидан, ота-оналар ва улар ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиш, тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур;

иккинчидан, давлат ва жамият етим ҳамда ота-онаси васийлигидан маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш, таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди;

учинчидан, фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенгдир;

тўртинчидан, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароит яратиш давлатнинг мажбуриятидир;

бешинчидан, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади;

олтинчидан, давлат ва жамият болаларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, мамлакати ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, ватанпарварлик ва ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Айни пайтда янги таҳрирдаги Конституциямиз, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси, Бола ҳуқуқлари қўмитаси, ЮНИСЕФ, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар тавсияларини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиёт “бола манфаатларининг энг устуворлиги” принципи асосида изчил такомиллаштирилмоқда.

Конституция қоидалари болалар ҳуқуқ ва манфаатини тўлақонли таъминлашга қаратилган кенг миқёсли ислоҳотларни рўёбга чиқариш асосларини кучайтирди. Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашга доир 50 га яқин қонун ва қонуности ҳужжат қабул қилинди. Кўплаб амалий ишлар бажарилди.

Биринчидан, болалар меҳнатига барҳам берилди. Президентимиз 2017 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистонда болалар меҳнатининг ҳар қандай шаклига барҳам бериш энг устувор вазифалардан бири эканини эълон қилди. Мамлакатда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши курашнинг ташкилий механизмлари яратилди. Болалар меҳнатига барҳам беришнинг қонунчилик асослари кучайтирилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодекслари болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузганлик ёки уларни меҳнатга мажбурлаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қоидалар билан тўлдирилди. Бу таъсирчан чоралар мамлакатимизда болалар меҳнатининг ҳар қандай шаклига барҳам беришда самара кўрсатди. Халқаро ташкилотлар Ўзбекистоннинг болалар меҳнатига барҳам беришга қаратилган саъй-ҳаракатларини эътироф этди.

Иккинчидан, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ташкилотлар таъсис этилди. Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) лавозими жорий этилди. 2024 йилда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Болалар омбудсмани давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахсларнинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши устидан парламент назоратини амалга ошириши белгиланди. Унинг бола ҳуқуқлари масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, бола ҳуқуқлари бўйича аҳоли хабардорлигини оширишга кўмаклашиш каби вазифалари мустаҳкамланди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси Болалар масалалари бўйича миллий комиссия этиб қайта ташкил қилинди. Миллий комиссияга давлат органлари ва ташкилотларнинг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш топширилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида болалар ҳимоясига бағишланган устувор йўналишлар ҳамда бола манфаатларининг энг устуворлиги принципини қонунчилик ва амалиётга самарали жорий этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Аҳолига комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини жорий қилиш мақсадида Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Етим ва чин етимлар билан манзилли ишлаш, оилавий болалар уйлари фаолияти ва болаларнинг ижтимоий ҳолатини доимий мониторинг қилиш тизимини қўллаш, болалар ногиронлиги масалаларини таҳлил этиш, манфаатини ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалалар унинг вазифалари қаторига киритилди.

Учинчидан, боланинг қарашларини ҳурмат қилишга оид ҳуқуқий асослар кучайтирилди. Хусусан, Оила кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, бола манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида унинг сўзлаш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Бола манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда қарор қабул қилувчи орган ва мансабдор шахс боланинг фикрини, ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда унинг манфаатлари устуворлиги принципидан келиб чиқиб, қарор қабул қилишга мажбур экани белгиланди.

Шунингдек, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга киритилган қоидага мувофиқ, бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, давлат органларига мустақил мурожаат қилишга ҳақли. Бунда ваколатли органлар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратади.

Тўртинчидан, етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум болалар манфаатларини ҳимоя қилиш тизими кучайтирилди. Бундай тоифадаги болаларни тарбиялаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилди. Бу тизим етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, оилада яшаш ҳуқуқини таъминлаш, уларни фарзандликка, васийликка (ҳомийлик, патронатга) оладиган оилаларни рағбатлантириш, ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлиши сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ўз ичига олди.

Етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни уй-жой билан таъминлаш, бандлигини таъминлаш, таълим олиши, улар тарбияланаётган оилаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш тартиби такомиллаштирилди. Қолаверса, “Меҳрибонлик уйи”, Болалар шаҳарчаси, болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари битирувчилари бўлган чин етимлар, шунингдек, йигирма беш ёшгача бўлган васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган етим болалар учун олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари белгиланди.

Бешинчидан, ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Бу жараёнда ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан муносабатда тиббиёт ва хайрияга асосланган моделдан ижтимоий ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга асосланган моделга ўтиш, ногиронлиги бўлган болаларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши учун шароит яратиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, таълим олиш, тиббий хизматлар, транспорт, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ахборот олишда тўсиқсиз муҳит яратиш, инклюзив жамиятни ривожлантириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ногиронлиги бўлган болаларни даволаш учун замонавий воситалар харид қилиш ҳажми кенгайтирилди. Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди. Унга оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларни аниқлаш ва манзилли ижтимоий ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш тадбирларини ташкил этиш ва молиялаштириш, болалар ҳаёти учун хавф солувчи оғир, сурункали ҳамда кам учрайдиган касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва уларни республикада ёки зарур ҳолларда хорижий давлатларда даволаш учун тиббий, ижтимоий ва молиявий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча механизмларини жорий этиш, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари ҳамда имконияти чекланган болаларни бепул дори-дармон, тиббий ва протез-ортопедик буюмлар билан таъминлаш каби вазифалар юклатилди.

Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилига нафақа тўлови жорий этилди. Шифохоналарда даволанаётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилаётган шахсларга боланинг ёнида бўлиш учун шароит яратилиши, мазкур давр учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва бепул овқат берилиши, ногиронлиги бўлган талабаларга таълим жараёнида кўмаклашадиган яқинларидан бирига олий таълим муассасасида ёнида бирга бўлиши учун шароит яратилди.

Барча таълим муассасаларида инклюзивлик, ногиронлиги бўлган болаларнинг барча қатори таълим олиш ҳуқуқидан фойдаланиш шароити яратилмоқда.

Олтинчидан, болаларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларини таъминлаш чоралари кўрилди. Болалар ўртасида ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом болаликни таъминлаш, чекка ва олис ҳудудларда жойлашган мактаблар учун автобус ажратиш ва ўқувчиларнинг бепул қатновини йўлга қўйиш, мактабларни ва мактабгача таълим ташкилотларини ичимлик сув билан таъминлаш, 1-4-синф ўқувчиларининг бепул овқатланишини ташкил этиш каби қатор муҳим вазифалар изчил бажарилмоқда.

Еттинчидан, болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Мактабгача таълим муассасалари тармоғи кенгайтирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, 2030 йилга қадар мактабгача таълим билан қамров даражасини 80 фоиздан ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари қатори ўрта таълим соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Унда узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар билан муайян мақсадга йўналтирилган ишларни бажариш тизимини яратиш, ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим хизматлари сифатини яхшилаш, таълим жараёнига замонавий ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш, коррупцияга қарши курашнинг таъсирчан механизмини қўллаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мамлакатимизда сифатли олий таълим бериш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, истеъдодини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратишни назарда тутади.

Саккизинчидан, қуролли можаролар ҳудудидан ўзбекистонлик болаларни қайтариш чоралари кўрилди. Хусусан, 2019-2021 йилларда ҳарбий можаролар юз берган Сурия, Ироқ ва Афғонистон ҳудудидан Ўзбекистон фуқароларини олиб чиқиш бўйича бешта махсус операция бажарилди. “Меҳр” деб номланган мана шу амалиётлар натижасида чексиз зўравонлик ва тажовуз хавфи остидаги 531 фуқаро Ўзбекистонга олиб келинди. Улардан 379 нафари болалардир.

Тўққизинчидан, болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклига барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Аёллар учун никоҳ қуришнинг энг кичик ёши 17 дан 18 ёшга оширилди. Бу билан вояга етмаган қиз болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун муҳим қадам қўйилди. Жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ёшнинг қуйи чегараси 13 дан 14 ёшга ўзгартирилди. Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда педагог ва психолог қатнашиши шартлиги белгиланди.

Вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизлик ва эркинликка қарши жиноятлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Жинсий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашни енгиллаштирувчи ҳолатлар, шу жумладан, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тариқасидаги инсонпарварлик амалиёти татбиқ этилмаслиги белгиланди. Бундай жиноятлар учун жазо чоралари оғирлаштирилди, оилавий зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик киритилди.

Ўнинчидан, аҳолининг бола ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурида аҳолининг бола ҳуқуқлари бўйича хабардорлигини ошириш чоралари белгиланди. Шунингдек, таълим муассасаларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув курслари жорий этилди.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганининг 35 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида бола ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида аҳоли хабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот, маънавий-маърифий, ўқув, илмий ва оммабоп тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича бешинчи даврий ҳисоботини БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига тақдим қилган. Бу ҳисобот қўмитанинг 2022 йил 31 август — 1 сентябрь кунлари Женевада бўлиб ўтган сессиясида кўриб чиқилган ҳамда мамлакатимизга қўмитанинг якуний мулоҳазалари тақдим қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар ўқийдиган таълим муассасалари биноларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бундай мактабларни зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган вазифалар белгиланди.

Бола ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор вазифаларидан. Шу боис, мамлакатимизда болаларнинг яшаш, шахсий дахлсизлик, фуқаролик, соғлиқни сақлаш, таълим олиш, оилавий муносабатлар, эркин фикр билдириш, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимояланиш каби ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда шахсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий манфаатларини таъминлаш борасида салмоқли саъй-ҳаракатлар амалга татбиқ этилмоқда.

2024 йил 1 июнь, 107-сон

Жорий йилда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси бошчилигидаги экспертлар гуруҳи билан глобал баҳолаш ўтказилади. Қолаверса, геоманзилли маълумотлар биринчи даражада (республика маъмурий-ҳудудий бирликлари кесимида) шакллантирилиб, эълон қилинади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Ҳамкорлик истиқболлари

ИККИ ТОМОНГА ҲАМ ФОЙДА КЕЛТИРАДИГАН БИТИМЛАР

Бугун Қашқадарё вилоятида россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 47 та қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, Москвада воҳанинг савдо ваколатхонаси очилди. Бу эса қашқадарёлик тадбиркорлар учун яна бир имконият эшигини очди.

Жорий йилнинг 17-24 май кунлари Қашқадарё вилояти делегацияси Татаристон Республикаси, Пермь ўлкаси ва Москва шаҳрида хизмат сафарида бўлди. Сафар доирасида делегация аъзолари иккита форумда иштирок этиб, 100 дан ортиқ салоҳиятли компания билан музокаралар ўтказди. Учрашувларда Қашқадарёнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий ва сайёҳлик соҳаларидаги имконияти бўйича тақдимот қилинди. Савдо-саноат палаталари раҳбарлари билан учрашув ўтказилди. Ҳамкорлик қилиш ҳамда тажриба алмашишга келишиб олинди.

Шу билан бирга, Қозон тиббиёт ускуналари заводи билан тиббиёт (стоматология ва гинекология) ускуналарини ишлаб чиқаришни босқичма-босқич маҳаллийлаштириш, “Milk group” корхонаси билан ҳамкорликда сутни қайта ишлаш ва қуруқ сут маҳсулотлари, “Стень блок” корхонаси билан автоклавланган газобетон, пенобетон ишлаб чиқариш каби қатор лойиҳалар бўйича истиқболли келишувларга эришилди.

Делегация Татаристон ва Пермдаги 10 дан ортиқ саноат корхонасида бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишди. Жумладан, “Morion Digital” технопаркида замонавий алоқа тизимида фойдаланиладиган кабель ишлаб чиқариш, “Промобот” компанияси билан электротехника йўналишида ҳамкорлик қилиш, Пермь аграр ва технологиялар университети ҳамда Қашқадарёдаги олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

“Пермь бизнес кунлари” форуми доирасида ҳам самарали келишувларга эришилди. Хусусан, “ЛЧП” компанияси билан текстиль (сочиқ ва пайпоқ) маҳсулотлари ишлаб чиқариш, “Лаврушин” компанияси билан қандолат маҳсулотлари тайёрлаш, Италия технологиялари асосида музқаймоқ ишлаб чиқарувчи “Сублимера” компанияси фаолиятини Қашқадарё вилоятида маҳаллийлаштириш, “Агрофирма труд” компанияси билан картошка, йирик шохли чорва моллари етказиб беришга келишиб олинди. Шунингдек, ҳамкорликда сутни қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш, Пермь ўлкасида деҳқончилик қилиш учун ер ажратиб бериш, “Ирис” компанияси билан болалар кийим-кечаклари тикиш, дизайнерлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда тайёр мато экспорт қилиш каби вазифалар ижроси тегишли ҳужжатларда мустаҳкамланди.

Жараёнда Татаристон Республикаси ва Пермь ўлкаси туризм соҳаси масъуллари билан учрашув ўтказилиб, ҳудудлар ўртасида онлайн семинар ва конференциялар, кейинчалик инфотурлар ташкил этишга келишилди. Бундан ташқари, қашқадарёлик сайёҳларнинг туроператорлар орқали Россияга саёҳати уюштириладиган бўлди.

— Сафаримиз давомида Москвада йирик тадбиркорлик субъектлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди, — дейди вилоят ҳокими Муроджон Азимов. — Унда Россиянинг “Текс Дизайн” ва “Красная ветка” компаниялари ҳамда “Бунёдкор” МЧЖ ўртасида Косон туманидаги саноат технопаркида матони бўяш ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Қарши шаҳрида ёғоч маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга келишиб олинди. Қамаши туманида 120 минг парранда боқишга мўлжалланган паррандачилик комплексини ташкил этиш ҳам режалаштирилди. Энг муҳими, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳудудлар ўртасида товар айирбошлашни кенгайтириш мақсадида Москвада Қашқадарё вилоятининг савдо ваколатхонаси очилишига эришдик. Тошкентда ўтказилган учрашувлар эса янада самарали кечди.

Хорижий инвестиция ҳажми ортяпти

Вилоят иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилига эътибор қаратсак, йилдан йилга ижобий натижалар қайд этилаётганини кўриш мумкин. Бу инвестиция йўналишида ҳам яққол сезилмоқда. Соҳа мутахассислари маълумотларига кўра, жорий йил 62 та лойиҳа доирасида 650 миллион долларлик тўғридан тўғри хорижий инвестицияни ўзлаштириш белгиланган. Шунга кўра, январь-апрель ойларида чет элнинг 203 миллион долларлик инвестицияси ўзлаштирилди ва ҳисобот даври учун белгиланган режа 102 фоиз бажарилди.

Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 2,3 баробар таъминланганини англатади. Иккинчи чоракда эса 161,1 миллион долларлик хорижий инвестиция ўзлаштириш мақсад қилинган. Аслида, бу кўрсаткични 172,1 миллион долларга етказиш кўзда тутилган. Жумладан, апрелнинг ўзида вилоятга 62 лойиҳа доирасида 35 миллион долларлик хорижий инвестиция жалб қилинди.

Иқтисодий имкониятларнинг ишга солиниши натижасида туман ва шаҳарларнинг барчасида иккинчи чорак якуни бўйича инвестиция ўзлаштирилиши 100 фоиз таъминланади.

— Алоқаларимизни янада жадаллаштириш мақсадида ҳар бир хорижий ҳамкор билан доимий мулоқот ўрнатиб, аниқ режалар асосида ишлар ташкил этганмиз, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Олимхон Рустамов. — Бунинг натижасида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан камида 2 баробар ўсишга эришилади. Биргина шу ойнинг ўзида бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилади. Янги шакллантирилган 36 та йирик ва аҳамиятли лойиҳа доирасида 190 миллион долларлик, дастурларимиздаги 90 та ҳудудий лойиҳа доирасида 427 миллион долларлик инвестицияни ўзлаштириш мақсадимиз бор. Шу каби чора-тадбирлар эвазига жорий йил якуни бўйича белгиланган режани 1 миллиард долларга етказамиз.

Вилоятда Инвестиция дастури доирасида қиймати 695,8 миллион долларлик 15 та йирик лойиҳа йил якунига қадар ишга туширилиши ҳам режалаштирилган. Ҳудудий дастур доирасида эса қиймати 1,2 миллиард долларлик олти юздан ортиқ лойиҳа старт олади. Жорий йилнинг ўтган январь-апрель ойларида қиймати 61,6 миллион долларлик 137 лойиҳа ишга туширилиб, натижада 1191 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, лойиҳабай ўрганишлар самарасида қиймати 35,6 миллион долларлик 67 та лойиҳа муддатидан олдин ишга туширилди. Барча дастурлар доирасида йил якунига қадар 1,9 миллиард долларлик қарийб мингдан ортиқ лойиҳа ишга туширилади ва 20 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

647,4 миллион долларлик келишувлар

Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг шу йил 27 майда Тошкентда ўтказилган биринчи йиғилиши ҳам Қашқадарё вилояти учун ўзига хос йирик қийматга эга иқтисодий келишувларга асос бўлди. Жумладан, Шаҳрисабзнинг тоғли манзилларидан бири бўлган Ғилон қишлоғида “All-season resort Gelon” МЧЖ компанияси билан умуммавсумий тоғчанғи комплекси барпо қилиш лойиҳасини амалга ошириш белгиланди. Шу билан бирга, “Teкs Dizayn” МЧЖ компанияси билан матони бўяш, “Красная ветка” компанияси билан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишиб олинди.

Учрашувларда Пермь ўлкаси губернатори билан ҳудуд ва Қашқадарё вилояти ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар йўналишлар бўйича ўзаро ахборот алмашилди. Натижада шу йил августда Пермь ўлкаси тадбиркорлари ва делегация аъзолари Қашқадарё вилоятига хизмат сафари билан келадиган бўлди.

Форум доирасида Чуваш Республикаси билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳудудлар ўртасидаги товар айирбошлашни кенгайтириш ва савдо-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича битим имзоланди. Ҳамкорликдаги учрашувлар якунига кўра, жами 647,4 миллион долларлик 26 та инвестициявий ва савдо келишувига эришилди.

41 давлатга экспорт йўлга қўйилди

Воҳада 2024 йил 1 миллиард долларлик саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти режаси белгиланган. Бу вазифалар бажарилиши эвазига 2023 йилга нисбатан ўсиш 3 баробар ортади. Мисол учун, январь-апрель ойлари учун белгиланган 117 миллион долларлик режа 158,3 миллион долларга бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 164 фоиз ўсиш таъминланди.

Ҳар йилгидек бу мавсумда ҳам мева-сабзавот экспорти ҳажмини ошириш мақсадида Кўкдала ва Косон туманларидаги 11 минг гектар ерга тарвуз экилди. Айни пайтда етиштирилган ҳосилни экспортга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар бошланди. Бундан ташқари, гилос, ўрик каби қўшимча мева-сабзавот маҳсулотларини ҳам хорижга сотиш мақсад қилинган.

Муҳим жиҳат шуки, вилоятда кейинги пайтда экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини ошириш билан бирга экспорт географиясини кенгайтиришга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Ҳозир воҳа ишбилармонлари 41 давлатга маҳсулот экспорт қиляпти. Шу йилнинг ўзида Венгрия ва Дания бозорларига кириб борилди ва трикотаж, майиз, қора седана каби маҳсулотларни етказиб бериш бошланди.

Шу йилнинг январь-апрель ойларида Европа (Польша, Испания, Литва, Германия)га 7,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, бу кўрсаткични йилнинг биринчи ярми якунига қадар 12 миллион долларга етказишга ҳаракат қилинмоқда.

Айни пайтда вилоятдаги 135 та иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотларни хориж бозорларига йўналтириш бўйича ҳам ишлар тизимли бажарилмоқда. Бу амалга оширилгач, қўшимча 3 миллион долларлик экспорт таъминланади.

Қашқадарё вилоятида экспортбоп саноат маҳсулотларининг катта қисмини тўқимачилик маҳсулотлари ташкил этишини инобатга олсак, ўтган йилга нисбатан ушбу йўналишда яхши кўрсаткичлар қайд этилади. Шу сабабли соҳада асосий эътибор мато ва тайёр трикотаж маҳсулотлари экспорти ҳажмини кўпайтиришга қаратилмоқда. Бунинг самарасида яқинда Қарши шаҳрида россиялик хорижий ҳамкор билан бирга тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган янги корхона ишга туширилди. Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилаётган 15 миллион долларлик тайёр тўқимачилик маҳсулотлари тўлиқ экспортга чиқарилади.

Муборак туманидаги “Муборак газни қайта ишлаш заводи”дан йилига 211 минг тонна олтингугурт олинади ва 4,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Дунё бозорига кенг йўл очиб берилиши Қашқадарё вилоятининг иқтисодий имкониятларини рўёбга чиқармоқда. Барча соҳада янгиликларга қўл урилиб, нафақат ички, балки ташқи бозорлар ҳам рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминланмоқда. Бу эса юрт фаровонлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаб, турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Статистика

ЖАҲОН БАНКИНИНГ НАВБАТДАГИ ТАҲЛИЛИ

янада яхши натижага эришиш учун муҳим манбами?

Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи

Жаҳон банки томонидан яқинда мамлакатларнинг “Статистика фаолияти самарадорлиги индекси” (Statistical Performance Indicators — SPI) эълон қилинди. Галдаги ҳисобот статистик салоҳиятни ўрганиш ва баҳолаб боришнинг янгиланган услуби асосида ишлаб чиқилди. Тафсилотларга тўхталишдан олдин ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун мазкур индекс нима экани ва аҳамиятини келтириб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

2000 йилларга келиб, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари юқори сифатли, ишончли, тўлақонли, ўзаро солиштириш имконини берувчи статистик маълумотларга талабни оширди. Бу, ўз навбатида, мамлакат салоҳиятини, статистика йўналишида эришаётган ютуқлар ва миллий статистика тизимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар натижаларини баҳолаб боришни тақозо этди. Шунинг учун Жаҳон банки 2004 йилда ташаббус кўрсатиб, “Статистика салоҳияти индекси”ни ишлаб чиқди. Мана йигирма йилдирки, ушбу индекс ёрдамида 154 мамлакатнинг статистик салоҳияти ўрганиб келинмоқда. Унинг баҳолаш манбалари сифатида эса халқаро ташкилотлар ҳамда мамлакатларнинг миллий ахборот маконидаги маълумот базалари, уларга оид ҳужжатлар (метамаълумотлар, таснифлар, шарҳлар ва бошқа)дан фойдаланилади. Индекс 3 та асосий йўналиш — методологиянинг халқаро андазаларга мослиги, маълумотлар мавжудлиги ва олиш имконияти яратилгани ҳамда барқарор эълон қилиб борилиши ҳолати бўйича баҳоланган. Лекин сўнгги пайтлардаги трансформация жараёнлари, янги ахборот манбалари, статистик маълумотга эҳтиёжнинг тезкор ортиши туфайли индексни ҳисоблаш услубияти такомиллаштирилди. Натижада

Жаҳон банки қатор халқаро ташкилотлар экспертларини жалб этган ҳолда мутлақо янгича ёндашув асосида ишлаб чиқилган “Статистика фаолияти самарадорлиги индекси” (SPI) услубиётини тақдим этди. Шунинг охиргиси 2022 йил якунларига бағишланди.

Янгиланган индекс (SPI) аввалгисининг айрим жиҳатларини (статистик методология мавжудлиги, маълумотлар ҳажми ва даврийлик нормаларига риоя этилиши каби) сақлаб қолган. Шу билан бирга, миллий статистика тизимлари салоҳиятини янада кенгроқ ўлчов воситалари ёрдамида баҳолашга қаратилган.

SPIнинг асосий баҳолаш тамойиллари миллий статистика тизими фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади. Натижадорликка эришиш учун тўғри танланган маълумотлар манбалари ва лозим даражада инфратузилма талаб қилинади. Умуман олганда, мазкур индексда юқори баҳони олиш учун барча элементлар “соғлом” бўлиши керак. Яъни рақамлар мавжудлик, даврийлик ва барқарорлик принципларига риоя этилган ҳолда юқори сифатли услубият асосида тадбирлар ўтказилган ёхуд индикаторлар шакллантирилган бўлиши лозим. Баҳолашда 5 та тамойилга таянилади. Уларнинг ҳар бири биз ўлчовлар деб атайдиган ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур ўлчов бирликлари мамлакатнинг статистик маълумотларини баҳолаш мумкин бўлган асосий кўрсаткичларнинг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади. Демак, баҳолаш 5 та тамойил ва 22 та тегишли ўлчовдан ташкил топган.

Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Статистика фаолияти самарадорлиги индекси”да 2022 йил якунлари бўйича 100 баллик тизимда 70,6 бални қўлга киритди. Умумий ҳисобда 2016 йилдагига (38,7 балл) нисбатан ўсиб бориш тенденцияси кузатилса-да, Европа ва Марказий Осиё давлатлари гуруҳининг ўртача баҳосидан (84,6 балл) нисбатан паст натижаларни кўриш мумкин.

Шу ўринда баҳолаш услубиёти тамойиллари кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи — маълумотлардан фойдаланиш компоненти бўйича 80 балл, иккинчи — ахборот хизматлари компоненти бўйича 74,7 балл, учинчи — ахборот маҳсулотлари компоненти бўйича 78,7 балл, тўртинчи — маълумот манбалари компоненти бўйича 44,4 балл ва бешинчи — маълумотлар инфратузилмаси компоненти бўйича 75 балл олингани маълум бўлди.

Таҳлиллар “Маълумотлар манбалари” (4-компонент) йўналишида паст натижалар қўлга киритилгани ва ушбу йўналишда фойдаланилмаган захиралар мавжудлигини кўрсатмоқда. Мисол тариқасида рўйхатга олиш тадбирларини (аҳолини, қишлоқ хўжалигини, бизнесни) келтириб ўтиш мумкин. Бу бошқа компонентлар натижаларига ҳам таъсир қилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан Жаҳон банкининг “Статистика фаолияти самарадорлиги индекси”да мамлакатимиз ўрнини яхшилаш борасида қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, жорий йилда Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда халқаро таққослашлар услубиётига мувофиқ, аҳолининг кунлик харажатлари 3,66 доллардан паст даражасидаги камбағаллик кўрсаткичлари шакллантирилиб, эълон қилинади. Очиқ маълумотлар порталида эълон қилинадиган статистика маълумотлари тўпламларининг метамаълумотлари инвентаризациядан ўтказилиб, янгиланади. “Миллий ҳисоблар тизими — 2008”нинг Ўзбекистонда тўлиқ жорий этилгани халқаро статистика ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши таъминланади. “Истеъмол нархлари индекси” статистикасини юритиш бўйича услубиятлари жаҳон андозаларига мослаштирилади ва Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон банкининг электрон ахборот ресурсларида жойлаштирилади. Ишчи кучи кузатувларининг ахборот банки Халқаро меҳнат ташкилотининг электрон ахборот тизимида эълон қилинади.

Шунингдек, жорий йилда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси бошчилигидаги экспертлар гуруҳи билан глобал баҳолаш ўтказилади. Қолаверса, геоманзилли маълумотлар биринчи даражада (республика маъмурий-ҳудудий бирликлари кесимида) шакллантирилиб, эълон қилинади.

2024-2025 йилларда эса Халқаро валюта жамғармасининг “Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими”дан (e-GDDS) “Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти”га (SDDS) ўтилади. Аҳоли, қишлоқ хўжалиги ва бизнесни рўйхатга олиш тадбирларига пухта тайёргарлик кўрилиб, тегишли кузатувлар мунтазам ўтказилади ва натижалари эълон қилиб борилади.

Индекс таркибига кирувчи, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича юритиладиган мониторинг натижаларини яхшилаш чоралари кўрилади. Буларнинг бари Жаҳон банкининг “Статистика фаолияти самарадорлиги индекси”да баҳоланадиган ҳар бир индикатор бўйича натижаларни, пировардида умумий рейтингда мамлакатимиз ўрнини яхшилашга хизмат қилади.



Инсон қадри учун

ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

У қандай намоён бўлмоқда?

Алишер ҲОТАМОВ,
Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари

Ислоҳотлар амалий ифодасини топган мамлакатда инсон қадри ҳамма нарсадан устун бўлади. Буни юртимиздаги ўзгаришлар, оддий одамлар турмуш тарзидаги янгиланишлар мисолида кўриб турибмиз.

Инсон қадрини улуғлашга қаратилган янгиланишлар том маънода юртдошларимиз ҳаётини ўзгартириб юборди. Дастлаб "Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган ғоя бош мезон қилиб олинди. Натижада мутасаддилар халқни қийнаётган масалаларни жойларга чиқиб ўрганди. Муаммоларни тезкор ва атрофлича ҳал этиш чоралари кўрилди. Шу тарзда ўзгаришлар кўлами кенгайди. Қисқа муддатда халқ орасида "ижтимоий давлат" тушунчаси шаклланди. Сўнг бу норма Конституциямизга муҳрланди. Бош қонунимиздаги мазкур ўзгариш ислоҳотлар изчил давом этиб, танланган йўлдан ортга қайтмаслигимизнинг яққол далили бўлди.

Халқаро миқёсда қанот ёзган ислоҳотлар

Мамлакат ичкарисида, энг чекка қишлоқ ва овуллардан бошланган янгиланишлар халқаро миқёсда қулоч ёзди. Натижада бугунги ўзгаришлар хорижда яшаётган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятида ҳам ўз аксини топяпти. Бунда, албатта, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ҳамкорлик қамрови кенгайиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, Ўзбекистон ва Россия кўплаб иқтисодий, гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Россия Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида қатор ҳужжатлар имзолангани фикримиз тасдиғидир.

Умуман, кейинги 7 йилда Ўзбекистоннинг Россия билан товар айирбошлаш ҳажми 2,5 баробар ўсган. Ана шундай дўстона ҳамкорлик доирасида келажак авлод камоли учун муҳим жабҳа — таълим тизими борлиги ҳам қувонарли, албатта. Хусусан, шу пайтгача Ўзбекистонда Россия етакчи университетларининг 14 филиали очилган. Ташриф давомида яна янги келишувларга эришилди. Жумладан, мамлакатимизда Бауман номидаги Москва давлат техника университети ва Бутунроссия ташқи савдо академияси филиаллари очиладиган бўлди. Маданий ҳамкорлик бўйича уч йиллик дастур қабул қилинди.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликда таълим соҳаси муҳим ўрин тутади. Буни Ўзбекистонда Россия олий ўқув юртлари филиалларининг очилиши, ўзбекистонлик талабаларни қўшма дастурлар бўйича ўқишга юбориш кабиларда кўриш мумкин. Аҳамиятлиси, икки давлат олий ўқув юртларининг бир-бири билан тўғридан тўғри ҳамкорлик қилиши учун имконият мавжуд. Бу хорижда ўқиётган талабаларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Яқинда хизмат сафари билан Россияга бордик. Жараёнда "Қозон федерал университети" федерал давлат автоном олий таълим муассасаси фаолияти билан танишдик. У ерда ўзбекистонлик ёшлар ҳам таҳсил олади. Фурсатдан фойдаланиб, дўстона учрашув ташкил қилинди. Табиийки, ёшларнинг келгуси режалари билан қизиқдик. Ундан зиёд ўзбекистонлик талабанинг барчаси ўқишни тамомлаб, юртга қайтиш нияти борлигини айтди. Уларнинг умид барқ уриб турган кўзига қараб, бу гапларда заррача муболаға йўқлигини кўриш мумкин эди.

Бу бежиз эмас. Юртимиздаги ислоҳотлар сабаб улар эртанги кунга ишонч билан қараяпти. Чунки ўзгаришларни юракдан ҳис қилмоқда. Масалан, асли хоразмлик Севинчой Юсупова Қозон шаҳрига тақдир тақозоси билан бориб қолган. Онаси Гўзал опа ёлғиз аёл. Соғлиғи туфайли даволаниш учун хорижга кетишга мажбур бўлган. Оқибатда бу ерда узоқ вақт қолишига тўғри келади. Шу боис, Севинч Қозондаги университетга ўқишга кирган.

Ёлғиз аёл бир неча йилдан буён қизи билан бегона юртда яшамоқда. Аммо улар доим давлат ҳимояси, кўмагини юракдан ҳис этади. Сабаби Гўзал опа ўзи хорижда бўлса ҳам, "Аёллар дафтари" асосида моддий ёрдам олган.

— Университетга контракт тўлови асосида ўқишга қабул қилинганимдан сўнг онамга қайғу тушди, — дейди Севинчой Юсупова. — Чунки у менинг ўқишимни жуда истар, аммо контракт тўлови учун моддий имкониятимиз етмасди. Ўша кунлари ижтимоий ёрдамга муҳтож оила фарзандларининг ўқиши учун контракт пули тўлаб берилиши ҳақида хабар ўқидим. Бу имтиёздан фойдаланиш учун юртимиздаги масъулларга мурожаат қилдим. Очиғи, ўзимиз хорижда яшаб, яна ижтимоий кўмак олган эдик. Аммо контракт пули тўлаб берилишига унчалик ишонганим йўқ. Шукрки, масъуллар мурожаатимни эътиборсиз қолдирмади. Бизга тўғри йўл-йўриқ кўрсатилди, контракт пулини давлатимиз тўлаб берди. Ҳозир ҳеч нарсани ўйламай, фақат таълим олиш учун вақт сарфлаяпман. Тақдир синови сабаб отасиз улғайдим. Доим ота меҳрини соғиниб, унга интиқ бўлиб яшаганман. Шу кунларда Президентимизнинг оталарча ғамхўрлиги ва меҳрини ҳис этяпман.

Қашқадарёлик Ҳасан Эломонов ҳам контракт пулини тўлашга қийналиб юрган экан. Яккама-якка суҳбат чоғида у ўқишдан бўш вақтида қурилишда ишлаётганини айтди. Бу гапни минг бир истиҳола, тортиниш ва иккиланиш билан сўзлади. Ҳасаннинг йигитлик ғурури ёрдам сўрашга йўл қўймаётгани шундоқ кўриниб турган эди. Шунда кўнглимда ватаннинг келажагини Севинчойдай қизларимиз, Ҳасан каби ўғлонларимиз қуради-да, деган ёруғ ўй ўтди. Сўнг беихтиёр оддий одамлар, ҳатто юртдан узоқдаги ватандошларимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаётган ислоҳотлар ҳақида ўйладим.

Суҳбат чоғида билдикки, Севинчой олдига улкан мақсадлар қўйган. Уларнинг барчаси ватанимиз равнақи, келажаги билан бевосита боғлиқ. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки унинг орзулари мамлакатимиздаги ўзгаришларга монанд рўёбга чиқиб боряпти.

Қозон шаҳрида таҳсил олаётган ёшлар билан суҳбат чоғида Севинчой бугунги ислоҳотларнинг тарғиботчиси эканини ҳам билдик. Ҳамма ёш ҳуқуқий ўзгаришлардан бирдек хабардор бўлмайди. Севинчойнинг контракт пулини давлатимиз тўлаб берганидан сўнг тенгдошлари шундай имконият борлигидан хабардор бўлди.

"Темир дафтар"дан бошланган қатъий ирода

Дастлаб пандемия вақтида аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш амалиёти тубдан ўзгарган эди. Ўзига хос рўйхат тузилиб, шунга мувофиқ кўмак берилди. Бу кейинчалик "Темир дафтар"нинг шаклланишига асос бўлди. Айнан мазкур дафтар туфайли кўплаб юртдошларимизнинг оғири енгиллашди, мураккаб ҳаётида ёруғ кунларни бошлаб берди.

Ўқитувчининг мурожаати сабаб бир оиланинг аҳволини ўргандик. Ёлғиз онанинг ўғли мактабга деярли бормай қўйган экан. Аёл уйсизлиги боис, акасига тегишли томорқадаги чайлада яшаб юраркан. Вазият шундайки, бола синфдошларидан ажралиб қолган. Ҳатто яқин қариндошлар ҳолидан хабар олмай қўйган.

Биз боргач, тўртинчи ё бешинчи синфда ўқийдиган бола уялганидан ўзини олиб қочди. Ёлғиз аёл ўша вақтда "Темир дафтар"га киритилди. Ҳокимлик вакиллари аралашиб, аёл яшаб юрган жой унинг номига ҳужжатлаштириб берилди. Сўнг "Темир дафтар" имкониятидан фойдаланиб, унга яшаш учун барча шароитга эга уй қурилди.

Шу тариқа ёлғиз аёлнинг, айниқса, синфдошларидан ажралиб қолган боланинг ҳаёти тубдан ўзгарди. "Темир дафтар" мисолида аҳолига кенг кўламдаги ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Мазкур асос бўлмаса, ижтимоий ёрдам кўрсатиш кўлами бунчалик кенг бўлмасди.

Одамларни рози қилиш, инсон қадри учун бошланган ислоҳотлар шу тарзда амалий кўриниш олди. Дастлабки тажриба самара бергач, "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" жорий этилди. Натижада аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож барча қатламини қамраб олиш имкони туғилди.

Ҳозир Чилонзор туманида ишлаяпман. Туманимизда яшовчи М.Х. ёшликдаги ғўрлик сабабли адашган. Хатосини тушунгач, тўғри йўлга қайтган. Аҳоли масалаларини ўрганиш чоғида у билан ҳам суҳбатлашдик. Устахонада ишлаётган йигит бизга дастгоҳ кераклиги ва тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи эканини айтди. Унинг мурожаати ўрганилиб, дурадгорлик дастгоҳи жамланмаси олиб берилди.

Бугун у ўз брендини яратаётган фаол тадбиркорларимиздан. Кечагина хато танлов сабабли жиноятга қўл урган йигит бугунги ислоҳотлар эпкинида тўғри йўл топди. Ҳаётнинг мураккаб кўчаларидан осон чиқиб кета олди. Шунинг ўзиёқ инсон қадри учун бошланган янгиланишларнинг оддий одамлар ҳаётида қанчалик ўзгариш ясаётганини кўрсатади.

Мазкур ислоҳотлар рўёбини таъминлайдиган куч ижро ҳокимияти вакилларидир. Шу боис, улар, айниқса, давлатимиз раҳбарининг жойлардаги вакили бўлган ҳоким ёрдамчилари масъулиятни бир лаҳза ҳам унутмаслиги шарт. Айнан ҳоким ёрдамчиси ёшларнинг етакчиси бўлиши, уларни қийнаётган муаммолардан биринчи хабар топиши керак.

Қозон шаҳрида ўқиётган Ҳасан Эломонов билан суҳбатдан ўзим учун яна бир ҳаётий ҳақиқатни теран англадим. Йигит муаммоларини очиқ айтишга истиҳола қилди. Чунки унинг ғурури жуда баланд. Бундай ёшларнинг кўнглига йўл топиб, озгина рағбат ва эътибор берилса, жуда катта ютуқларга эриша олади. Шунинг учун ҳоким ёрдамчилари ёшлар билан имкон қадар яккама-якка суҳбатлашиши керак. Ўшандагина ёшларнинг кўнглига осон йўл топилади.

Шу ҳақда ўйлаб, Президентимиз бежиз уйма-уй юриб ишлаш керак, дея топшириқ бермаган, деган қарорга келдим. Айни пайтда мурожаат билан келган фуқародан тезроқ қутулиш эмас, масалани тўла ҳал этиш ҳақида ўйлашимиз зарур. Қонуний имконияти йўқ масала билан келган фуқарога ҳолатни тўғри тушунтира билиш ҳам муҳим. Шу орқали давлат хизматчисининг имижи шаклланади. Ислоҳотларни тўғри талқин этиш орқали ижро ҳокимиятига хос миллий контент яратилади.

Севинчойнинг ўзига хос миллий контенти

Давлатимиз раҳбари миллий контент яратиш таклифини илгари сурган эди. Ҳозирги глобал дунёда миллий контент ниҳоятда муҳим жиҳат. Чунки дунёнинг сиёсий қиёфаси кескин ўзгариб кетганини кўриб турибмиз. Бундай вазиятда бизни ўзлигини унутмаган, мураккаб вазиятларга тўғри баҳо бера оладиган ва муҳими, ватанни севадиган ёшлар қутқаради. Келажак эгалари бўлган ёшларни бугун шу руҳда тарбиялашимиз шарт.

Севинчой Юсупова мисолида юртимизда ана шундай келажак эгалари камол топмоқда, дея оламан. Айнан исланувчанлиги, янгиликлардан вақтида хабардор бўлиб бориши сабаб бугун атрофида ўндан зиёд ёш бирлашди. У ўз ҳаёти мисолида тенгдошларига юртимиздаги ислоҳотларнинг амалий натижасини кўрсатиб беряпти. Зарур вақтда тенгдошлари ундан йўл-йўриқ сўраяпти. Сабаби оддий: Севинчой муаммоси учун ечим излади ва топди. Бу ҳақда тенгдошларини хабардор қилди. Хорижда юрганимизда шунча ёрдам бериляпти, ватанга қайтсак, имкониятлар эшиги кенг очилади, дея тарғиб қилмоқда. Ҳа, Севинчой хорижда, тенгдошлари орасида ўзига хос миллий контент яратди.

Назаримда, ҳар биримиз Севинчой каби ўзимизнинг миллий контентимизни яратишимиз керак. Чунки глобаллашув сабаб турли геосиёсий зиддиятлар, низолар кўпайиши билан бирга ахборот хуружи ошиб бормоқда. Бу эса энг хатарли хуруж. Инсон онги ва қалбини ёвуз кучлар забт этса, уни тўғри йўлга қайтариш осон кечмайди. Адашганлар эса биринчи галда маънавиятидан, миллий урф-одат ва қадриятларидан жудо этилади. Шу орқали бошқариладиган жонли қуролга айланади. Айни сабаб туфайли миллий ахборот иммунитетини шакллантириш, рақобатга дош бера оладиган миллий контент яратиш долзарб.

Жамиятда сиёсий, маънавий-маърифий билим ва тафаккур даража юқори бўлса, ахборот хуружларидан сақланиш осон кечади. Шунинг учун ота-оналар фарзанд тарбиясида бунга алоҳида эътибор қаратиши шарт. Ҳар куни, ҳеч бўлмаса, бир соат вақт ажратиб, болаларимизга оддий ҳаётий мисоллар орқали ўзлигимизни эслатиб туришимиз керак. Бошланган улкан ислоҳотлар кўзланган самара бериши учун, аввало, ўзимиз ўзгаришимиз зарур. Шу маънода, Севинчойнинг хорижда тенгдошлари орасида ўзига хос миллий контент ярата олганини катта ҳодиса деб биламан. Айни пайтда бу юртимиздаги ислоҳотларнинг амалий қиёфаси ҳамдир.

УЙҒОҚ ФИКР

ҲАР БИР ЙИГИТ-ҚИЗ — МАМЛАКАТ ВА МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Бугунги давр руҳи ва шиддати тамомила янгича қиёфа касб этмоқда. Анъанавий сиёсий тутумлар эскирди, халқаро ва давлатлараро муносабатлардаги ўзаро ишончсизлик муҳити ўта нозик жиҳатлари билан дунёвий тартиботларни ўзгартириб юборди. Бу жараёнда ғоявий кураш ва ахборот хуружлари аниқ мақсадлар сари йўналтирилгани билан ҳам кишини ўта ҳушёрликка чорлаши табиий.

Диёрахон ЎТКИРОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси

Ана шундай таҳликали бир замонда улғайиб, ижтимоий-сиёсий майдонга тушаётган ёшлар олдида ниҳоятда нозик бир масала туради. Бу миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, ғоявий курашда енгилмаслик, ватан манфаати учун собитқадамлик билан курашиш, фидойилик кўрсатиш йўлидир.

Биз, ёш авлодмиз. Мустақиллик даврида туғилиб, вояга етдик, ҳуррият эпкинлари билан тўйиниб камол топяпмиз. Аммо миллатимиз, ота-боболаримиз, умуман, ватанимизнинг тарих ҳикоялари бизга ҳаётий сабоқ чиқариш, хулосалар қилиш учун тафаккур ҳодисаси бўлиши керак.

Миллий тарихимизда аччиқ ҳикоялар кўп. Улардаги ҳақиқатларни тан олишга мажбурмиз. Масалан, мустақилликка эришгунимизча, ҳатто ундан кейинги даврда ҳам ўзбек деганда, фақат эртаю кеч далада меҳнат қиладиган, кетмонини елкасидан ташламайдиган, чорва ортидан қувган заҳматкаш инсонлар тушунилар эди.

Пахта сиёсатининг фожиали воқелиги ҳали узоқлашиб кетмади. Яқин-яқингача мактаб ўқувчилари, устозлар жамоаси пахта даласида "хиргойи" қилиб юрганига биз ҳам гувоҳ бўлганмиз. Натижа нима бўлди, бир неча авлод чаласавод бўлиб улғайди. Бунинг жабри бугун ўз "ширин меваси"ни бераётганига ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Ҳозир бу гаплардан мурод борми, дерсиз. Гап шундаки, бу йил 400 мингдан зиёд 11-синф битирувчиси катта ҳаётга қадам қўймоқда. Яна қанча ака-опаларимиз олий таълим муассасаларини битириб, ватан, эл хизматига шайланиб турибди. Бу шунчаки оддий гап ёки қуруқ рақам эмас. Ҳар бир йигит-қиз мамлакат ва миллат тақдири эканини унутмаслигимиз шарт.

Келинг, шу ўринда, Президентимизнинг мустақилликнинг 32 йиллигига бағишланган байрам табригидаги мана бу чақириғига қайта қулоқ тутайлик: **"Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — ватанмиз!".**

Бугун мустақил ҳаётга қадам қўяётган биз — ёшлар бу гап замиридаги буюк ва қудратли ҳақиқатларни теран англаб етишимиз керак. Юқорида фикримизни бежиз янги давр қиёфаси, муносабатлардаги ўзаро ишончсизлик муҳити, ғоявий кураш ва ахборот хуружлари ҳақида бошламадик. Бундай таҳликали шароитда ёшлар зиммасига ҳам ниҳоятда катта масъулият тушади. Улар миллат ва жамият бирдамлигини таъминловчи, тараққиёт ғилдирагини айлантирувчи катта кучдир. Шу боис, инсон ўз қисматини ватан тақдири билан чамбарчас боғлаши зарурлиги муқаддас тушунчаларда акс этган.

Ҳар сафар жадид боболаримиз ҳаёт йўлига, улар ёзиб қолдирган бой илмий-маънавий меросга мурожаат қилар эканмиз, фитратимизда донишмандлик, миллатга, ватанга хослик туйғулари жўш ураверади. Бу улуғ аждодларимизнинг маънавий юксалиш ва бирлашиш қайғуси бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганидан ҳайратга тушамиз.

"Маданий халқлар фарзандларининг ахлоқий тарбиясига катта аҳамият берадилар. Бузуқ ахлоқ эгаларини муаллимлик уёқда турсин, ҳатто мактаб остонасидан ичкарига ўтказишмайди, қоровулликка ҳам қабул қилишмайди, болаларнинг ахлоқига зид китобларни ҳам киритишмайди", деб ёзади Абдурауф Фитрат "Нажот йўли"да.

Халқимиз қадимдан фарзанд тарбияси бобида заковатли бўлган. Жадид боболаримиз бежиз маданий халқнинг фарзанд тарбияси ҳақида қайғуриб ўтмаган. Улар қайғусидан англашиладики, тарбияда бир зум эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмайди, бўшлиқ ўрни доим нимадир билан тўлади — ижобий бўлмаса, салбий хислат эгаллайди.

Шундай экан, бугун биз ўз ички маънавий оламимизни тартибга келтириб, ўткир мушоҳадалар билан бойитиб боришимиз ниҳоятда зарурдир. Зеро, янги Ўзбекистонимиз, халқимиз биздан шундай қадрли натижалар кутмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 1 июнь, 107-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Огаҳий издошлари

ТАРЖИМА МЕЗОНИ

мамлакатлараро маданиятлар, илм-фан ва иқтисодий ҳамкорлик воситасидир

Ўзбек таржимачилиги кўп асрлик тарихга эга ва ҳар бир даврнинг ўз таржимонлари бўлган. Лекин бугун дунё ўзгариб бормоқда. Унинг вақт ва чегара ҳисоби мутлақо бошқача. Шошилинч, талатўп дунёда керакли маълумотлар оқимини бошқариш, ўзлаштириш, зарур манбаларни саралаш ва таржима қилиш, ишга профессионал даражада ёндашиш каби масалалар соат сайин долзарблик касб этиб боради, бу талаб ҳеч қачон сусаймайди.

Шаҳноза НАЗАРОВА,
филология фанлари доктори

Шундай экан, олдимизда ўзбек таржима анъаналарини ким давом эттиради, таржима, таржимашунослик соҳаларига кимлар новаторлик олиб киради, янги ўзбек таржима мактаблари яна юзага келадими, деган қатор мураккаб, муаммоли саволлар пайдо бўлмоқда. Олдинда янги таржимонлар авлодини тарбиялаш, уларни илмий-назарий адабиётлар, зарурий манбалар билан таъминлаш, таржима амалиётида узилиб қолган устоз-шогирдлик ипларини боғлашдек кечиктириб бўлмас вазифалар турибди.

Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу ишларни тизимли амалга ошириш имконини беради. Жумладан, унда дунё адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг сара намуналарини хорижий тилларга ўгириш ҳамда чет элларда тарғиб этиш тизимини яратиш, ўзбек тилидаги интернет адабиётини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби вазифалар белгилаб берилган. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини кенг оммалаштириш, жамиятда китобхонликни ҳамда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ривожлантириш мақсади илгари сурилган.

Бугунги кунда бирор яхлит электрон платформа мавжуд эмас. Ҳозирга қадар ўзбек адабиётшунослари, шарқшунослари, уламолари ҳаёти, фаолиятига бағишланган библиографиялар, кўрсаткичлар яратилди. Аммо ўзбек маданий тафаккурини янгилаш, бойитишда бемисл хизмат қилган таржимонларни жамлаб кўрсатувчи бирор китоб ёзилмади. Бу ҳатто соҳага доир энг зарурий маълумотлар ҳам жамланмагани, бир махражга келтирилмаганини англатади.

Соҳадаги муаммолар тизимли тарзда олимлар жамоаси томонидан бирма-бир ҳал этилмас экан, олтин фондга эга ўзбек таржима мактаби интернет тармоғи ва нашриётларни эгаллаган чучмал тил соясида қолиб кетади ва бу анъаналар аста-секин унутилади.

Неча асрлик таржима соҳасини илмий-назарий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, таржима асарларнинг ҳимояланган электрон тизимини яратиш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи олимлари томонидан “Ўзбек таржима мактаби тарихи, тараққиётига бағишланган “uzbtarjimamaktabi.uz” электрон-интеграцион платформаси ва “Ўзбекистон таржимонлари” қомусий луғатини яратиш” мавзусида мақсадли лойиҳа ишлаб чиқилди. Ғоя муаллифи ва бош маслаҳатчи — Ўзбекистон Қаҳрамони, филология фанлари номзоди, доцент Иброҳим Ғафуров.

Ўзбек таржима тарихида ўз мактабини яратган таржимон, олим И.Ғафуровнинг лойиҳага ғоявий ва тадқиқий йўналиш бериб туриши ишнинг қимматини янада оширади. Адабиёт музейи нодир қўлёзмалар, ёзувчи ва ижодкорларнинг ҳаёти, ижодига оид архив ҳужжатлар, ёзма адабий манбалар, расмлар, фотосуратларни тўпловчи, сақловчи ва кўргазмали материаллар тарзида намойиш қилувчи ҳамда илмий тадқиқ этувчи ноёб маданий-маърифий, илмий муассаса ҳисобланади.

Музей ноёб қўлёзмалар ва нодир босма китоблар фонди ҳамда 60 мингдан ортиқ ноёб ҳужжатни қамраб олган Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари архивига эга. Умумий фондда 70 мингга яқин экспонат-ашё, 3 мингга яқин қўлёзма ва тошбосма-литографик китоб сақланади. Шунингдек, “Адабий мерос” илмий журнали чоп этилади, бу эса лойиҳа доирасида илмий натижаларга эришиш, уларни нашр этиш, илмий жамоатчиликни таништириб бориш имконини беради.

Мазкур лойиҳа ўзбек халқи илмий-маданий меросининг узвий қисми бўлган таржима амалиёти, тадқиқи, таржимонлар библиографиясини ўзида жамловчи қомусий электрон платформа яратишни назарда тутади. “Ўзбекистон таржимонлари” қомусий луғатини, “uzbtarjimamaktabi.uz” веб-сайти, электрон-интеграцион платформасини яратиш ўзбек таржима танқиди, адабиётшунослиги, тилшунослигидаги жуда катта бўшлиқни тўлдиради.

Веб-сайт, электрон-интеграцион платформа дунё таржима амалиёти, таржима танқиди, дунё адабиётшунослигига қўшилиш демакдир. Олиб бориладиган тадқиқотлар натижаларидан таълимнинг барча босқичларида — умумий ўрта таълим мактабларида, олий таълим тизимида фойдаланиш мумкин. Бу келажакда юзлаб илмий тадқиқот ишларини яратиш учун асос бўлади, таржима санъати, таржима танқиди, таржимашунослик илмини янги босқичга олиб чиқади.

Ҳозирги замонда таржима назарияси ва амалиётини қиёсий тилшунослик, социолингвистика, когнитив тилшунослик, лингвосемиотика, лингвомаданиятшунослик, паралингвистика, психолингвистика каби соҳалар билан узвий алоқадорликда ўрганиш зарур. Шу жиҳатдан интеграцион бир майдон, платформага эҳтиёж туғилади. Чунки таржиманинг асосий материали тил бўлиб, у тилшунослик фанининг турли соҳалари томонидан инсон фаолиятининг тил ва ундан ташқаридаги тарих, маданият, психология, фалсафа, этнография каби фанлар билан боғланишларини ҳисобга олган ҳолда икки тилни қиёслаш орқали иш кўради. Таржимашунослик мураккаб филологик фан сифатида қиёсий тилшунослик ва адабиётшуносликни қамраб олади.

Таржимашуносликка жуда кенг қамровли, ўз назария ва методларига эга фан сифатида қараш зарур. Охирги йилларда таржимашунослик илми таржима амалиётига қараганда бирмунча орқада қоляпти. Охирги 15-20 йил ичида олимларимиз тарафидан бу соҳада жаҳон илм андазаси талабига жавоб бера оладиган йирик тадқиқотлар яратилмади ҳисоб.

Умумлашмалар йўқ жойда назария ривожланмайди. Бугунги куннинг фани кечаги куннинг давоми, аммо унинг такрори бўлмаслиги керак. Қатор муҳим филологик таҳлил методлари, жумладан, семантик таҳлил, компонентли таҳлил, статистик таҳлил, контекстуал таҳлил каби тадқиқот методлари таржимашуносликка бағишланган аксарият диссертацияларда ҳатто қайд қилинмаган. Қиёсий таҳлил эслатилса-да, қандай қиёслаш кераклигини биладиган олимлар кам.

Олимлар таржимашуносликка фан, илм сифатида қарайди ва шундан келиб чиқиб, бу фаннинг истиқболи ва аҳамиятини белгилайди. Лойиҳа доирасида бажариладиган ишлар икки йилга мўлжалланган.

Биринчи йилда олимлар гуруҳи томонидан қомусий луғат учун тадқиқий кириш мақола тайёрланади, хориж тажрибаси ўрганилади, илмий сафарлар уюштирилади. Белгиланган маҳаллий ва хорижий кутубхоналар, архивлар, фондлардан 1000 дан ортиқ таржимон ва уларнинг таржима меросига доир материаллар йиғилади.

Эришилган натижалар мақола, тезис шаклида чоп этилади, шунингдек, веб-сайт ва платформага жойлаб борилади. Таржима қилинган айрим асарларнинг электрон версияси платформага жойлаштирилиб, аудиовизуал тўплами, электрон каталоги яратилади. Электрон платформанинг “Таржимонлик мактаби тарихи” қисмида таржима асарлар, уларнинг муаллифлари, таржимонлик маҳоратига хос хусусиятлар тадқиқ этилиб, натижалари ва услубий кўрсатмалари, фойдали маслаҳатлар бериб борилади. Бунда махсус

логин ва дастурий тил ишлаб чиқилиши назарда тутилади.

Иккинчи йилда ҳар бир жилди ўртача 80-90 босма табоқни ташкил этадиган “Ўзбекистон таржимонлари” икки жилдли қомусий луғати тўла шакллантирилади, тартибланади, нашр этилади, айни пайтда унинг электрон шакли яратилади. Эришилган натижаларни акс эттирувчи “uzbtarjimamaktabi.uz” веб-сайти ва электрон-интеграцион платформаси тўла ишга тушади.

Таржимонларнинг электрон библиографик кўрсаткичи, электрон қўлланма яратилади, муаллифлар, даврлар, асарлар ёки йўналишлар бўйича қидирув тизими шакллантирилади. Яратиладиган қомусий луғатни сотиш, платформа ва веб-сайтда таржима, таҳрир, баҳолаш хизматларини амалга ошириш амалиёти яратилади.

Бизда неча асрлик таржима тарихи, ўз анъаналарига эга таржима мактаблари бўлсада, таржима асарлар барча авлодлар томонидан ўқилса-да, ўзбек ўқувчилари таржимонларнинг ҳаёти ва ижод йўли ҳақида етарлича маълумот берувчи илмий, илмий-оммабоп манбаларга эга эмас. Лойиҳа доирасида илк марта ўзбек таржима тарихи, амалиётига доир даврлаштирилган ҳамда ҳар бир давр алоҳида ёритилган изчил тадқиқот, шунингдек, 1000 дан зиёд таржимонни қамраб олган библиография яратилади. Тадқиқот икки йўналишда олиб борилади, уларнинг биринчиси — тарих, мумтоз давр (XIII-XIX асрлар). Иккинчиси — янги давр (XX асрдан бугунги кунгача). Тарих қисмида XIII-XIX асрлар таржима амалиёти қисқача тадқиқ этилса, янги давр қисмида XX асрдан бугунги кунгача бўлган таржима жараёнлари, таржима мактаблари шаклланиши, таржима назариясининг ишлаб чиқилиши, таржимонлар таснифи, таржима табиати борасида батафсил фикр юритилади. Илк бор соҳа тарихи даврлаштирилади. Мазкур йўналишда бакалавр, магистр, таянч докторантура босқичларида битирув ҳамда илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилинади, рисола, монографиялар яратилади.

Ўзбек таржима амалиёти 8 асрдан ортиқ тарихга эга. Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XX аср маданиятида ёркин из қолдирган адиб, шоир — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Сидқий Хондайлиқий, Миркарим Осим, Мирзакалон Исмоилий, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом, Ваҳоб Рўзметов, Наби ва Абдураҳмон Алимуҳаммедовлар, таржима билан самарали шуғулланган О.Раҳимий, О.Шаропов, Р.Абдураҳмонов, М.Мирзоидов, Қ.Мирмуҳамедов, Л.Тожиева, М.Ҳакимов, Й.Шамшаров, К.Қаҳҳорова, Х.Аҳророва каби ижодкорлар бу қадим анъаналарни давом эттирди. Иброҳим Ғафуров, Низом Комилов, Амир Файзулла, Олим Отахон муҳташам таржима асарларни яратди.

Эндиликда ёш таржимонлар бу вазифани елкаларига олмоқда. Аммо устоз-шогирдлик анъаналари, мавжуд билим захираларидан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Шу сабабли янги таржималарда тил, маъно, услуб билан боғлиқ жуда жиддий хато-камчиликлар юзага келмоқда. Олимлар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ўзбек халқининг маънавий қадриятлари, илмий-маданий меросининг узвий қисми бўлган таржима амалиёти ва таржима асарлар тадқиқини назарда тутади, жамиятни маънавий ислоҳ қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Умид қиламизки, ўзбек миллий таржима мактабининг танишув географияси жонли жараёнга айланади ва кенгаяди. Тайёрланган материаллардан “Таржимонлик мутахассислигига кириш”, “Таржима амалиёти ва назарияси”, “Жаҳон адабиёти”, “Ўзбек адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Адабиёт назарияси”, “Тилшунослик”, “Фалсафа тарихи”, “Сиёсатшунослик”, “Диншунослик” сингари жуда кенг фанлар тармоғида тузиладиган маъруза матнлари ва амалий машғулотларда,

янги авлод дарсликлари, мультимедиа маҳсулотлари, видеороликлар, тақдимотлар, ўқув ва электрон қўлланмалар яратишда фойдаланилади. Шунингдек, ўқув жараёнини янги сифат босқичига олиб чиқишда, адабий ва маънавий мерос тарғибида, қолаверса, хорижий таълим муассасаларидаги филология соҳасидаги ўқув ва илмий фаолиятда, яратилган таржима асарларини республика ҳудуди ва хорижда кенг тарғиб қилишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Ўтган асрда Ўзбекистонда Шарқ тилларидан ўзбек тилига таржима қилувчи улкан таржимонлар майдонга чиқиб, арабшунос, урдушунос, форсшунос, туркшунос алломалар — У.Каримов, А.Расулов, А.Муродов, С.Мирзаев, А.Ирисов, А.Носиров, Ш.Шомуҳамедов, А.Ўринбоев, Б.Аҳмедов, Чустий, Хуршид, Анисий, Муинзода, У.Уватов, А.Аҳмедов айни пайтда бутун дунё янгидан қизиқиш билдираётган Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Замахшарий, Ибн Сино, Беруний, Хайём, Ҳофиз, Саъдий асарлари билан ХХ асрда ўз тилимизда танишиш имконини берди. Энди уларни шу асосда бемалол дунё тилларига таржима қилиш ва тижоратлаштириш мумкин.

Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Шарафиддинов, И.Ғафуров Европанинг мумтоз асарларини ўзбек тилига ўгирдиларки, қардош халқларда бундай юксак таржималар йўқ ва улар бу асарларни ўзбек тилида бўлса ҳам ўқиб-ўзлаштиришга эҳтиёжманд.

Лойиҳа доирасида мана шу таржима асарларнинг аудиовизуал тўплами яратилади. Электрон таржима китобларга патентлар олинади. “Ўзбек таржима санъати лабораторияси” яратилади, қомусий олимлардан, рус ва Европа адабиётидан, муқаддас манбалардан, ҳадислардан қилинган мумтоз таржималар матни платформа орқали ўзгармас ҳолатда сақланади. Уларнинг қайта нашрларида хатоликларга йўл қўйилмайди.

Таржима дунё мамлакатлари маданиятлари, илм-фани, иқтисодиётининг ҳамкорлиги жараёнлари марказида туради. У тўла маънода шу ҳамкорлик жараёнларига воситачилик қилади. Таржима — Ўзбекистонда кейинги 33 йилда рўй берган маданий ўзгаришларнинг мезон белгиларидан бири. У юртимизнинг жаҳон глобаллашув жараёнларига ижтимоий-иқтисодий, маданий, дипломатик соҳаларда кириб бориши ва унинг ажралмас бир қисмига айланиши билан боғлиқ.

Кейинги йилларда ўзбек тилидан жаҳон тилларига ва жаҳон тилларидан ўзбек тилига таржималарни кенг йўлга қўйиш, хорижий тилларни мамлакат таълим тизимида изчил ва чуқур ўрганиш, иқтидорли етук мутахассисларни тайёрлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Бу ҳол кадрлар етиштиришда таянч дастуриламал бўлиб, жамиятнинг маърифий ҳаётида ижро топмоқда.

ХХ асрда ўзбек таржимонлари асарларнинг таржималарига энциклопедист олимлар каби ёндашди, асарларга кенг миқёсдаги илмий изоҳлар яратди. Ўтган аср Ўзбекистон маданияти ва илм-фанининг таг заминини фундаментал бойитди ва мустаҳкамлади. Муайян тарихий ва ижтимоий шароитда дунё адабиёти намуналари воситали тил орқали таржима қилиб келинди.

Кейинги ўн йилларда аслиятдан таржима қилишнинг қатор тажрибалари кўзга ташланяпти. Шоир Шавкат Раҳмон Федерико Гарсия Лоркани аслиятдан таржима қилиш учун бир неча йил вақтини сарфлаб испанчани ўрганди ва романтик шоирни муҳаббат билан ўзбекчалаштирди. Баҳодир Эрматовнинг француз адабиётидан қилаётган таржималари ўз жозибаси билан ажралиб туради. Таниқли шоир Жамол Камол Шекспирнинг қатор асарларини инглиз тилидан таржима қилди. Шарқ адабиётининг Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор сингари улкан намояндалари асарларини форс тилидан ўзбек тилига ўгирди. Мирзаали Акбаров немис адабиётидан, чунончи, Ҳерман Ҳессе асарларини гўзал аниқликда таржима қилди.

Немис тилининг билимдон етук мутахассиси Хуррам Раҳимов немис шоирлари ва шоиралари асарлари намуналарини бизга танитди. Худди шунингдек, Амир Файзуллонинг ҳинд ва урду тилидан қилган катта миқёсдаги таржималари, адабиётшунос олим ва муаллим Асил Рашидовнинг Чингиз Айтматов асарларини ўзбекчалаштириши, шоир Мирпўлат Мирзонинг Россия шоирлари асарларини таржима қилиб, антологиялар тузгани, Бегойим Холбекованинг инглиз шоирларини замонавий ўзбек тилида талқин этишга интилаётгани, турк, форс, араб, хитой, япон адабиётларидан илк аслиятдан таржималар ўзига хос тажриба ҳисобланади.

Шунча иш амалга оширилган, гарчи таржима танқидига оид турли мавзулардаги илмий тадқиқотлар яратилган, яратилаётган бўлса-да, уларни бирлаштирадиган, тўғри йўналиш берадиган фундаментал илмий тадқиқот ва буни акс эттирадиган илмий лойиҳа мавжуд эмас. Мавзуга яқин доирадаги ҳеч бир тадқиқотда 1000 дан зиёд таржимонни жамлаган қомусий луғат ва махсус платформа яратиш назарда тутилмаган.

Шу жиҳатдан мазкур лойиҳани чуқур фундаментал тадқиқот, янги эксклюзив иш сифатида кўрсатиш мумкин. Режалаштирилаётган ишлар жуда катта билим, тажриба, куч талаб қилади. Лойиҳа тўғридан тўғри дунё адабиётига қўшилиб кетишдек юксак ғояни илгари суради. Шу мақсадда Давлат адабиёт музейи мутасадди ташкилотлар ва соҳа мутахассисларини лойиҳа доирасида ҳамкорликка чорлайди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1883.
44065 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 01:00 Топширилди — 01:30